



Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини
такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

ҚАРОРНИНГ МАҚСАДИ

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ҳисобланади.



ҚАРОРГА МУВОФИҚ



2020 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН


ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиблари жорий этилади:

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
томонидан ташкил этилган ўқув курсларини
тамомлаган ҳар бир битирувчи учун


касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг **70 фоизи**, бироқ ҳар бир битирувчига **1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган** миқдори давлат томонидан компенсация қилинади



ушбу курсларни муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун **микрокредит ажратилади**



“Микрокредитбанк” АТБ томонидан
нодавлат таълим ташкилотлари махсус
сертификатини олган:



тадбиркорлик
ташаббусига эга жисмоний
шахслар, шу жумладан,
ёшлар ва хотин-қизларга
ўз бизнесини ташкил этиш
учун **33 миллион сўмгача**
микрокредитлар
таъминотсиз ажратилади

**“Микрокредитбанк” АТБ томонидан
нодавлат таълим ташкилотлари
махсус сертификатини олган:**



микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги асосида **225 МИЛЛИОН СЎМГАЧА** микрокредитлар ажратилади



Бунда микрокредитлар **3 йил муддатгача 6 ойгача** имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади



ҚАРОРГА КЎРА

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадларига **100 миллион АҚШ доллари эквивалентида** маблағ ажратилади



2022 йил 1 январдан

Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизими ишга туширилади

2021 йил 1 январга қадар

“Микрокредитбанк” АТБнинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади.





Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида **ваколатли давлат органи** этиб белгиланди.



**Эътиборингиз
учун раҳмат!**

